

14.12.2022 даги

JEYNOV FAVVORASI MCHJ ва Миршкор туман ҳокимлиги Давлат жамгармаси (Фонд 3051) ўртасида
8970000,00 сўм умумий суммага тузилган 30-4-63-ОХҚ/2022 - соғли шартномага

ТЎЛОВЛАР ЖАДВАЛИ*

Боб 018
Шахсий ғазна ҳисобварақ 305122860102337109602018001

2022 й. ойлар номн.	Харажатлар тури** (бюджет таснифининг тегишли коди)			сўмда Жами
	4821190			
Январь				
Февраль				
Март				
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль				
Август				
Сентябрь				
Октябрь				
Ноябрь				
Декабрь	8 970 000,00			8 970 000,00
Жами йил бўйича	8 970 000,00			8 970 000,00

Жами 8970000,00 сўм

Саккиз миллион тўққиз юз етмиш минг сўм 00 тийин

сумма сўз билан

Юқоридаги кўрсатилган суммадан 2691000,00 сўм ёки 30,00%*** шартноманинг умумий суммасидан
_____ % ***20 _____ ойда тўланиши лозим.

(*) — бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан ғазначилик бўлинмасига икки нусхада тақдим этилади;

(**) — бўлим, кичик бўлим ва харажат моддаси кўрсатилади;

(***) — Юқоридаги кўрсатилган суммадан ойдаги _____ % жорий ойнинг _____ санасигача ҳар ойда олдиндан тўланиши лозим (ушбу сатр бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан коммунал хизматлар кўрсатиш, алоқа хизматлари ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳар ой доимий равишда товарлар (нишлар, хизматлар) сўлазиб бериш шартномалари бўйича олдиндан тўловни амалга ошириш ҳолларида тўлдирилади).

Буюртмачи раҳбари



Буюртмачи раҳбарнинг

(имзо) Сариков Анвар Азаматович
Ф.И.Ш.

(имзо) Арзикулов Хамза
Ф.И.Ш.

Ғазначилик бўлинмасининг
ходими қабул қилди

_____ (имзо)

Буюртмачи ходими
қабул қилди

(имзо)

« _____ » 20__ й.

« _____ » 20__ й.

PUDRAT SHARTNOMASI

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган Миришкор туман “Оила ва хотин кизлар” булми устав асосида иш курувчи З.Мамапазарова бир томондан ва «Жейнов Фаввораси» МЧЖ кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритиладиган низом асосида иш курувчи К.Жумаев Миришкор туман Олтин Бошок МФЙда яшовчи фукаро Наврузова Сабохат ўйини таъмирлаш ишлари учун мазкур пудрат шартномасини туздилар.

1. ТАРИФЛАР

Мазкур шартномада куйидаги тарифлар кулланилади:

ижро хужжатлари – натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул булган шахслар томонидан уларга киритилган узгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект курилишига ишчи хизматчилар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва урнатилган асбоб-ўскуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда кулланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа хужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар, айрим масъулиятли конструкциялар оралик даврда қабул қилиниши тўғрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ўскуналарнинг яққа тартибдаги синови тўғрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда курилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа хужжатлар;

курилиш майдони – мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатномалар буйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг курилиш майдони чегараси ажратиб куйилади ёки бош режага мувофиқ бедгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб куйилади;

вактинчалик иншоотлар - Пудратчи томонидан курилиш майдонида урнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур булган хар қандай типдаги вактинчалик бинолар ва иншоотлар;

беркитиладиган ишлар – сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин булмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

шартнома нархини булиб чиқиш – ишларнинг хар бир босқичи ва/ёки турлари қийматини аниқ белгиланган холда шартнома буйича объектнинг умумий қийматини босқичларга таксимлаш.

2. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига лойихада кузда тутилган объектни фойдаланишга тайёр холда куриш буйича курилиш ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига курилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва туловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

3. ШАРТНОМА БУЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ

3. Мазкур шартнома буйича Пудратчи томонидан бажарилган, танлов савдоси (тенлар) натижасида аниқланган ва конкурс комиссиясининг қарори (2022 йил № 202980-сон баённома)

билан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йигимлар ва ажратламаларни ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда **8 970 000 (Саккиз миллион тўққиз юз етмиш минг) сўми**ни ташкил этади.

4. Ишлар қиймати ўзил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта қуриб чиқилиши мумкин эмас, қўйидаги ҳолларда бундан мустасно:

Қурилиш қийматини қўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;
объектнинг қурилиши бир йилдан ортиққа ўзгартирилганда.

5. Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб утилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

4. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартномала назарда тутилган ишларни бажариш учун:

барча ишларни мазкур шартномага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш:

шартномага мувофиқ қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ўсқуналар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, оморга жойлаш ва саклаш:

қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуриш:

Буюртмачини пудрат шартномаларни тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;

қурилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, ўтказилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироклари ўрнатиш;

қурилиш таваккалчиликларини сугурта қилиш;

мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари ва асбоб-ўсқуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, ўтказилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироклари ўрнатиш;

қурилиш таваккалчиликларини сугурта қилиш;

мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари ва асбоб-ўсқуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;

қурилиш майдони қўриқланишини таъминлаш;

мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тулик ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

8. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр холда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкый жавоб беради.

5. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

9. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага мувофик ишларни бажариш учун ярокли бўлган қурилиш майлонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунгача бўлган даврла далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

ишлар бажарилиши ўстидан доимий архитектура қурилиш назоратини ва мазкур шартномала кайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошка функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда қуриб чиқиш ва қарор қабул қилиш; молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига шартноманинг 14 бўлимига мувофик аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 1 ой давомида Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўхатини тақдим этиш;

мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади;

6. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

10. Шартнома:

миллий валюта "сўмда" ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда - томонлар уни имзолаган пайдан бошлаб;

кейинчалик ЭАВга конвертация қилган холда миллий валютада "сўмда" ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда - шартнома қонун ҳужжатларига мувофик рўхатдан ўтказилгандан кейин кучга қиради. Шартномани амал қилиш муддати 2022 йил 31-декабргача

11. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофик биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга қиришади.

12. Танлов савдолари натижаси бўйича аниқланган қурилишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан 10 кунни ташкил этади.

13. Мазкур шартнома бўйича ишлар ишларни бажариш жадвалига мувофик амалга оширилади.

7. ТЎЛОВЛАР ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР

14. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30% фоизи миқдорида аванс ўткази, бу 2 691 000 сўмни ташкил этади.

15. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос ҳисобланади (-илова).

16. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, берилган авансни ҳисобга олган ҳолда, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофиқ объектнинг умумий шартномавий орий минг 50 фоизигача доирасида амалга оширилади.

17. Объектнинг шартномавий жорий кийматининг қолган 50 фоизи учун Буюртмачи ва Пудратчи ўртасидаги ўзил-кесил ҳисоб-китоб қурилиш тугаллангандан кейин ва объект қабул комиссияси томонидан белгиланган тартибда қабул қилингандан кейин икки босқичда; объект қабул комиссияси томонидан қабул қилинган кундан бошлаб бир ой мобайнида - ишлар кийматининг камида 45 фоизи миқдорида;

мазкур шартномада белгиланган кафолатли муддат тамом бўлгандан кейин - ишлар кийматининг 5 фоизигача миқдорида, бироқ молия йили тугамас амалга оширилади.

объект қабул комиссияси томонидан қабул қилинган кундан бошлаб сир ой мобайнида - ишлар кийматининг камида 45 фоизи миқдорида;

мазкур шартномада белгиланган кафолатли муддат тамом бўлгандан кейин - ишлар кийматининг 5 фоизигача миқдорида, бироқ молия йили тугамасдан амалга оширилади

18. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йук қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

19. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб уттиз кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тулашдан озод қилинмайди.

8. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ

20. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вақилини - техник аудиторни тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати ўстидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-қурувларнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

21. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиксиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

22. Пудратчи техник аудиторни ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор Пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йигилишларда мунтазам равишда қатнашади.

23. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

24. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини давлат архитектура қурилиш назорати органлари билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

25. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

26. Буюртмачи курилиш майдонини бериш тугрисидаги далолатнома билан бир вақтда Пудратчига ортикча тупрок ва курилиш ахлатини жойлаштириш ва стишмаётган тупрокни казиб олиш учун жой ажратиш тўғрисидаги ҳужжатларни беради.

27. Буюртмачи курилиш майдонини бериш тугрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда курилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектни привязка қилиш учун Пудратчига геодезия нукталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

28. Пудратчи геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тугри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари, улчамлари ва бўлиш ўқларининг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган булиш ва геодезия ишларида хатолар аниқланса, Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.

29. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларининг жойлашиши схемалари ва жадвалларини саклайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатнома бўйича Буюртмачига беради.

30. Курилиш майдони бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нукталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

31. Пудратчи ўзи томонидан курилишда қулланиладиган курилиш материаллари асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиха ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга еки сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

32. Алоҳида масъулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилиш бошланишидан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва "Давархитектурурилишназорат" инспекциясини ёзма равишда хабардор қилади.

33. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан масъул конструкцияларни оралик қабул қилиш далолатномалари ҳамда уларнинг "Давархитектурурилишна орат" инспекцияси билан келишган шартларида бериладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.

34. Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажариш дафтарида киритилган ёзма руҳсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.

35. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдигисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар буларнинг курилиш сифатига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар ҳисобланмайди.

36. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан на курилиш қийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган мўллага қайта бажаришга мажбурдир, ушбу шартнома 34-бандининг иккинчи хат бошида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тулайди.

37. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ куча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларни сўпуриб сипиради ва озода саклайди, қурилиш даврида майдондан қурилиш ахлатини Буюртмачн томонидан қўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

38. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтари юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси материаллар, асбоб усқуналар берилиши, хикматлар қўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олиниси, ўтказилган синовлар, материаллар уз вақтида етказиб берилмаслиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши туғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида ўз фикрини баён қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда қўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини қуриш мажбуриятини ўз зиммасига олади. қандларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида уз фикрини баён қилади. Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда қўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини қуриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

9. ИШЛАРНИ ҚЎРИҚЛАШ

39. Пудратчи ишлар бошланишидан қурилиш тугаллангунгача ва қурилиши тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қалар четлари тўсилган қурилиш майдони ҳудудида материаллар, асбоб-усқуналар, қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қуриқланишини таъминлайди.

40. Тикланган бинолар ва иморатлар, шунингдек материаллар, асбоб-усқуналар ва бошқа мол-мулк объект қабул қилиб олинганидан кейин сакланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

10. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ

41. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тулик бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари нажасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тулик бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мўтаносиб равишда узайтирилади.

42. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойлан кўп вақтга чўзилса у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар қурилишини муҳокама қиладилар. Қўраб қита қорист.

43. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

11. ҚУРИЛИШИ ТУГАЛЛАНГАН ОБЪЕКТНИ КАБУЛ КИЛИБ ОЛИШ.

44. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиши тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

45. Объектлар уларнинг фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчининг ёзма билдиришномаси Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 10 кун мобайнида қабул қилиб олинади.

46. Пудратчи қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюртмачига буюртмачи томонидан белгиланган таркибла икки нусхала ижро ҳужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос қилишни ёзма равишда тасдиқлаши керак.

47. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

12. КАФОЛАТЛАР

48. Пудратчи:

барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

лойиха ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъерлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;

ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини. уларнинг лойиха ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини; ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг қафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилишни;

объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини қафолатлайди.

49. Объект ва унга қирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг қафолатли муддати томонлар қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб қаида 10 ой этиб белгиланади. Объект томининг қафолатли муддати қаида 3 ой этиб белгиланади.

50. Агар объектдан фойдаланишнинг қафолатли даврида аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда қафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узатди. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг Ўз ҳисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

Агар пудратчи бажарилган ишлардаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у

холда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII бўлимида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

51. Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар курсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чиқиш "Давархитектқурилишназорат" органлари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича ҳужалик судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

13. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ

52. Буюртмачи:

шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўра вақтга кечиктирилганда; ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган холда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган холда;

Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда, Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

53. Пудратчи:

ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

54. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади. Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

55. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қоида-сига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

56. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

57. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди. конун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

14. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

64.. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:

иккинчи томонга етказилган зарарларни коплайди;
Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

65. Мазкур шартномада кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномала белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фои илан ошмаслиги лозим.

Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

66. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 05 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

67. Пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича з мажбуриятларини бузганлиги учун буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва қачилиқлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи буюртмачига муддати ўтказиб юборишган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 05 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тулаш пудратчини ишларни бажариш ёки хизматлар курсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

68. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда Буюртмачи "Давархитектурулиш назорат" ИНСПЕКЦИЯСИНИНГ ҳулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тулашдан бош қилиши, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 05 фоизи миқдорида жарима ундириш ҳуқуқига эга.

69. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур молдала назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган харажатларда, мол- МУЛКНИНГ йукотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни коплайди.

70. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ўшбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

15. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

72. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иқтисодий суди томонидан қуриб чиқилади.

16. АЛОҲИДА ШАРТЛАР

73. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг узаро келишувлари ўз кучини йукотади.

74. Пудратчи курилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

75. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

76. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай ахллашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

77. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин курилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи курилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тулашни кечиктиришга ҳақлидир.

78. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

79. Бош пудратчи ёрдамчи пудратчига 04% гача устама олиши мумкин.

80. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 3 нусxada тузилди.


17. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:

Буюртмачи:

Миришкор туман ҳокимлиги
Ободлаштириш бошқармаси
Манзил: Янги миришкор шаҳарчаси
тел: факс.652-18-19
305122860102337109602018001
ННН: 200701260 ОКОНХ: 97600
Молия вазирлиги газначилик
ягона газна ҳисоб варағи.

Пудратчи:

«Жейнов Фаввораси» МЧЖ
Манзил: Миришкор туман Жейнов шаҳарчаси
Телефон: 93 512 49 53
Банк номи: «Ўзсаноатқурилишбанки» АТБ
20208000200913082001
МФӨ: 00446 ИНН: 305722030



-sonli shartnomaga ILOVA

Korrupsiyaga qarshi qoidalarining ASOSIY SHARTLARI


1. Tomonlar shartnoma bo'yicha o'z majburiyatlarini bajarayotganda O'zbekiston Respublikasining korrupsiyaga qarshi kurashish to'g'risidagi qonun hujjatlarining talablariga zid keladigan har qanday harakatlarni amalga oshirmaydilar, shu jumladan pora, ya'ni (Mirishkor tuman "Oila va xotin qizlar" bo'limi) xodimi o'z xizmat majburiyatlaridan foydalangan holda pora bergan shaxsning manfaatlarini ko'zlab muayyan harakatlarni sodir etishi yoki sodir etmasligi shartligi yohud mumkinligi uchun moddiy qimmatliklarni yoki mulkiy naf olish uchun quyidagi harakatlarni qilmaydi: pora berishni taklif qilish yoki va'da berish; tovlamachilik qilish; pora sifatida pul to'lash; bevosita yoki bilvosita pora olishga rozilik berish. Tomonlar ushbu harakatlarga yo'l qo'ymaslik bo'yicha choralar ko'rilishiga kafolat beradi. 2. Agar shartnoma bo'yicha bir Tomon (Mirishkor tuman "Oila va xotin qizlar" bo'limi) xodimining axloqqa to'g'ri kelmaydigan va ushbu shartnoma yoki O'zbekiston Respublikasi qonunchilik hujjatlariga zid keladigan xattiharakatlariga, shu jumladan, korrupsiyaga oid huquqbuzarlik sodir etishga majburlashdan iborat bo'lgan faktlarga duch kelsa, bu haqda quyidagi aloqa kanallaridan biri orqali xabardor qilishi kerak: korrupsiya haqida xabar berishga mo'ljallangan ishonch telefoni; 1007 Mirishkor tuman "Oila va xotin qizlar" bo'limi rasmiy veb-saytida joylashtirilgan shakl yoki elektron pochta.

TOMONLAR:

Bajaruvchi:

(F.I.O.) (imzo)

Zamira Mamanazarova
Zamira Mamanazarova

	Hujjat <u>elektron raqamli imzo</u> orqali imzolangan. Elektron raqamli imzoning haqiqiyiligini tekshirish uchun QR Code ni skanerlang.	
	Imzolovchi F.I.SH.	ZAMIRA MAMANAZAROVA XXX
	Imzolangan sana	12.12.2022 13:16
	Hujjat kodi	UJ4224023787
	Hulosa kodi	TL5064857011

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUIJATLARNING QONUN
HUIJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY
XULOSA**

TL5064857011

1. Loyihaning turi : Shartnoma
2. Loyihaning nomi: Oltin-boshuq mahallasida yashovchi fuqaro Navro'zova Sabohatning uy-ta'miri uchun quruvchi Jeynov favvorasi MChJ bilan Pudrat shartnomasi 8.970.000
3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: Mirishkor tumani Oila va xotin qizlar bo'limi tomonidan 12.12.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Mirishkor tuman
yuridik markazi
markaz rahbari:



M.K.SIROJOV

12.12.2022

протокол закупочной комиссии по отбору наилучшего предложения лот № 202980 на приобретение Текущий ремонт жилого дома Наврузова Сабохат в МФЙ Олтин Бошок Миришкорского района

Способ проведения электронный

Дата 10.12.2022

Время рассмотрения 10.12.2022 09:40

Закупочная комиссия Миришкор туман хокимлиги аёллар дафтари, (Далее – Комиссия) в составе:

Председатель комиссии	ESHMURODOV ANVAR SHERALIYEVICH	Рахбар	Миришкор Туман Хокимлиги
Секретарь комиссии	Тошматов ШавкатХасанович	Котиб	Миришкор Туман Хокимлиги
Член комиссии	TOSHOV AKMALJON BEKNAZAROVICH	Комиссия аъзоси	Миришкор Туман Хокимлиги
Член комиссии	Ачилов Жамолиддин Хамраевич	Комиссия аъзоси	Миришкор туман Хокимлиги
Член комиссии	Арзикулов Хамза xxx	Комиссия аъзоси	Миришкор Туман Хокимлиги
Член комиссии	Чуллиев Улаш Муродович	Комиссия аъзоси	Миришкор Туман Хокимлиги

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 10.12.2022 года № лота 202980.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 70.00 / Весовой коэф. ценовой части: 30.00)

Мин. балл: 20

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуга текущему ремонту жилых зданий
Подробное описание	Текущий ремонт жилого дома Наврузова Сабохат в МФЙ Олтин Бошок Миришкорского района
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	8 984 960.00
Стартовая сумма	8 984 960.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 солиқдан ва бошка мажбурий туловлардан қарзи йуқлиги тугрисида

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
JEYNOV FAVVORASI MCHJ	20	файл илова килинди	20	Экспертная		
ЧП ВОУЕУ	20	файл илова килинди	15	Экспертная		

Критерий №2 курилиш соҳасида рейтинг даражасига эга ташкилот қатнашиши шарт

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
JEYNOV FAVVORASI MCHJ	20	файл илова килинди	10	Экспертная		
ЧП ВОУЕУ	20	файл илова килинди	10	Экспертная		

Критерий №3 Ташкилот низоми ва руйхатдан утказганлиги хакида гувоҳнома

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
JEYNOV FAVVORASI MCHJ	20	файл илова килинди	20	Экспертная		
ЧП ВОУЕУ	20	файл илова килинди	15	Экспертная		

Критерий №4 инженер ва техник ходимлари тугрисида маълумотлар тақдим этиши шарт

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
JEYNOV FAVVORASI MCHJ	20	файл илова килинди	15	Экспертная		
ЧП ВОУЕУ	20	файл илова килинди	15	Экспертная		

Критерий №5 ташкилотни балансида мавжуд машина механизмлари тугрисида

Тип: Текстовое значение

Описание:

Затянутость: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
JEYNOV FAVVORASI MCHJ	20	файл илова килинди	20	Экспертная		
ЧП ВОУЕВ	20	файл илова килинди	20	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
JEYNOV FAVVORASI MCHJ	8 984 960.00	8 970 000.00 UZS	8 970 000.00	00.00	8 970 000.00	09.12.2022 17:10:29	30
ЧП ВОУЕВ	8 984 960.00	8 980 000.00 UZS	8 980 000.00	00.00	8 980 000.00	09.12.2022 17:18:54	29.96659

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
JEYNOV FAVVORASI MCHJ	59.5	30	89.5
ЧП ВОУЕВ	52.5	29.96659	82.46659

Закупочная комиссия по отбору наилучшего предложения лот № 202980 от 10.12.2022 года на приобретение Текущий ремонт жилого дома Наврузова Сабохат в МФЙ Олтин Бошок Миришкорского района определила победителем:

JEYNOV FAVVORASI MCHJ
305722030

и резервный исполнитель: ЧП ВОУЕВ (307244743)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	ESHMURODOV ANVAR SHERALIYEVICH	Согласен	
Член комиссии	Ачилов Жамолиддин Хамраевич	Согласен	
Член комиссии	Арзикулов Хамза xxx	Согласен	
Член комиссии	Чуллиев Улаш Муродович	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП